



Иқлим ўзгаришларининг оқибатини бартараф этиш миллий тараққиёт стратегияларини рўёбга чиқариш йўлида муҳим қадам


Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 ноябрь кuni Боку шаҳрида ўтаётган БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси Томонлари конференциясининг 29-сессияси (COP29) доирасидаги Жаҳон етакчилари саммитининг ялпи мажлисида нутқ сўзлади.



Тадбирда дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатидан давлат ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари раҳбарлари иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевни ушбу тарихий саммитни муваффақиятли ташкил этгани билан самимий

табриклаб, Озарбайжоннинг бугунги иқлим таҳдидларига қарши курашиш мақсадида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича фаол саяё-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.



Президентимиз таъкидлаганидек, иқлим ўзгаришлари бугунги кунда асосий глобал таҳдидга айланиб, геосиёсий кескинликнинг кучайишига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Камбағалликка қарши кураш, озиқ-овқат ва энергетик хавфсизлики таъминлаш, ичимлик сув ва ресурсларидан фойдаланиш муаммолари кучайиб бормоқда.

Иқлим ўзгаришларининг оқибатини Марказий Осиё ўтқир ҳис қилмоқда.

Давоми 2-бетда

ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ Кўриб чиқилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 ноябрь кuni Боку шаҳрида ўтаётган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича (COP29) конференцияси доирасида Европа кенгаши раиси Шарль Мишель, Финляндия Президенти Александ Стубб, Черногория Президенти Яков Милатович, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, Ислон тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон ал-Жассир, Яшил иқлим фонди ижрочи директори Мафальда Дуэрте, Ислон дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоти (ICESO) бош директори Салим ал-Малик, Глобал ўзгаришлар институти раиси Тони Блэрни қабул қилди.



Европа кенгаши раиси Шарль Мишель билан учрашувда мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги битимни тез фурсатда қабул қилиш, шунингдек, “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” форматидagi биринчи саммитга тайёр-

гарлик кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Финляндия Президенти Александр Стубб билан учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон — Финляндия ҳамкорлигини



ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Фаол сиёсий ва парламентларо алоқалар мамнуният билан қайд этилди.

Янги иқтисодий кун тартибини шакллантириш учун металлургия, электротехника,

кимё, телекоммуникация ва бошқа соҳаларда саноат кооперациясини ривожлантириш дастурини тайёрлаш тақлиф этилди.

Шу маънода, 2025 йил январь ойида Хельсинки шаҳрида бўлиб ўтадиган Ху-

куматларо комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва бизнес форумига пухта тайёр-гарлик кўриш муҳимлиги таъкидланди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ БЎЙИЧА КОНФЕРЕНЦИЯСИ (COP29)ДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Авваламбор, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев Жаноби Олийларини бугунги тарихий Конференцияни ўзгал Боку шаҳрида юксак даражада ташкил этгани билан самимий табриклайман.

Биз Озарбайжоннинг замонавий иқлим таҳдидларига қарши курашиш йўлида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича фаол саяё-ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Иқлим ўзгаришлари бугунги кунда асосий глобал таҳдидга айланиб бормоқда, геосиёсий зиддиятлар кучайишига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, камбағалликка қарши кураш, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги,

сув ва ресурслардан фойдаланиш муаммоларини кучайтирмоқда.

Буларнинг асоратларини Марказий Осиёда ўтқир ҳис қилмоқдамиз. Иқлим муаммолари аҳолиимизнинг турмуш сифатини ошириш ва миллий тараққиёт стратегияларини рўёбга чиқаришда янги тўсиққа айланмоқда.

Париж битими доирасидаги бош мақсадимиз — минтақада ҳаво ҳароратининг жадал ўсишига йўл қўймаслик ва жорий юз йилликда 1,5-2 градус атрофида сақлаб қолишдир. Бу борада биз Ўзбекистонда углерод нейтраллигига эришиш бўйича кенг миқёсдаги ислохотларни қатъий олиб бораёмиз. 2030 йилгача ҳавога иссиқхона газлари чиқарилишини 35 фоизга камайтиришни режа

қилганмиз. Бу мажбуриятни 2050 йилга қадар янада кенгайтиришга тайёрмиз.

“Яшил” энергетика улушини 40 фоизгача оширамиз. Электромобиль ва “яшил” водород кластерлари, қуёш ва шамол генерация хабарларини яратяпмиз. “Яшил макон” дастуриимиз доирасида кўламазвор ҳудудларни кескин кўпайтиряпмиз.

Кўшни мамлакатлар билан Минтақавий иқлим стратегиясини ҳаётга таъбиқ қилмоқдамиз. Шу кунлари Европада “яшил” энергия етказиш бўйича кўп томонлама битимни имзолаймиз. Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон глобал иқлим ўзгаришлари оқибатларини биргаликда бартараф этишда ўзининг амалий ҳиссасини кенгайтириш ниятида.

Биринчидан, ривожланаётган мамлакатларга иқлим хатарларини аниқлаш учун етакчи давлатлар ва халқаро институтларнинг техник кўмагини кенгайтириш долзарбдир.

Бу борада Иқлим туфайли йўқотиш ва зарарларни баҳолаш бўйича халқаро марказ таъсис этишни тақлиф қиламиз.

Иккинчидан, трансчегаравий сув ресурслари ифлосланишининг олдини олиш ва барқарор биохилма-хиллигини сақлашда ягона ёндашувлар зарур.

Минтақамиз мисолида айтиб ўтмоқчиманки, бир авлод кўз ўнгига Орол денгизининг бутунлай йўқолиши сайёрамиз миқёсидаги фожиага айланди. Шу ўринда биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Дарё эко-

тизмларининг бутунлиги ва экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлар тўғрисидаги декларацияни ишлаб чиқиш тарафдоримиз.

Учинчидан, кўп томонлама етакчи тузилмалар иштирокида ўсимликларнинг иқлим ўзгаришларига чидамлилигини ошириш учун Генетик ресурсларнинг минтақавий банкни ишга туширишни режа қилганмиз.

Денгизга чиқиш имкони бўлмаган давлатлар учун юртимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инновацион агросаноат хабини яратиш ташаббусини илгари сурамиз.

Тўртинчидан, иқлим ўзгаришларидан зарар кўраётган мегаполис ва шаҳарларнинг

барқарор ривожланиши бўйича илғор билим ва амалиётлар трансфери учун Жаҳон иқлим пойтахтлари альянсини ташкил этишни ва унинг биринчи форумини Тошкентда ўтказишни тақлиф қиламиз.

Бешинчидан, келгуси йили 15 май — Халқаро иқлим кунини Оролбўйи минтақасида ўтказиладиган Рақамли “яшил” ташаббуслар глобал ёшлар фестивалида давлатларингиз вакилларини кутиб қоламиз.

Хурматли саммит иштирокчилари! Ўзбекистон умумий фаровонлик ва “яшил” тараққиёт йўлида очиқ мулоқот ва шерикликка доим тайёр эканини яна бир бор таъкидлайман.

2024 йил 13 ноябрь, 230-сон

Иқлим ўзгаришларининг оқибатини бартараф этиш миллий тараққиёт стратегияларини рўёбга чиқариш йўлида муҳим қадам

Бошланиши 1-бетда

Улар аҳолининг турмуш сифатини ошириш ва миллий тараққиёт стратегияларини рўёбга чиқариш йўлида тўсиққа айланмоқда.

Париж келишувлари доирасида асосий мақсад — минтақада ҳаво ҳароратини жадал ўсишига йўл қўймаслик, ушбу кўрсаткичларни жорий юз йилликда 1,5-2 градус атрофида сақлаб қолишдан иборат.

Бу борада Ўзбекистонда углерод нейтраллигига эришиш бўйича кенг миқёсдаги ислохотлар олиб борилмоқда. 2030 йилгача ҳавога иссиқхона гази чиқаришни учдан бир қисмга камайтириш режалаштирилган. Бу мажбуриятлар 2050 йилга қадар янада кенгайтирилади. “Яшил” энергетика улуши 40 фоизга етади.

Электромобиллар ва “яшил” водород ишлаб чиқариш кластерлари барпо этилмоқда, кучёш ва шамол генерацияси хаблари яратилмоқда. “Яшил макон” дастури доирасида кўкаламзор ҳудудлар кенгайтирилмоқда.

Қўшни мамлакатлар билан биргаликда Минтақавий иқлим стратегияси амалга оширилмоқда. Шу кунларда Европага “яшил” энергия етказиб беришни ташкил этиш тўғрисида кўп томонлама битим имзоланади.

Глобал иқлим ўзгаришлари оқибатларини биргаликда енгиб ўтиш мақсадида Ўзбекистон етакчиси қатор ташаббусларни илгари сурди.

Жумладан, ривожланаётган мамлакатлар дуч келаётган иқлим хатарларини танқидий таҳлил ва молиявий баҳолаш учун етакчи давлатлар, кўп томонлама институтлар ва конвенцияларнинг техник ҳамда молиявий кўмагини кенгайтириш мақсадида Иқлим туфайли йўқотиш ва зарарларни баҳолаш бўйича халқаро марказ таъсис этиш таклиф қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАВИЙ ВА ГЛОБАЛ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИГА МАСЪУЛИЯТЛИ ВА ПРАГМАТИК ЁНДАШУВНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА

Хорижий экспертлар Ўзбекистон Президентининг Ар-Риёд шахрида бўлиб ўтган навбатдан ташқари араб-ислом саммитидаги иштироки ва нутқи ҳақида

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 11 ноябрь кuni Саудия Арабистонни пoйтaхтида бўлиб ўтган навбатдан тaшқари араб-ислом саммитида қaтнaшди.

Дaвлaтимиз рaҳбaри сaммитдa сўзгa чиқиб, Ўзбекистoннинг Яқин Шарқ муaммoсидa бўйичa aниқ пoзициясини тaъкидлaди. Шунингдек, жaҳoн хaмжaмийaтини узоқ мудaтли мoжaрoдaн aзият чекaётгaн

Антонио АЛОНСО, Сан-Пабло университети профессори (Испания):

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг навбатдан ташқари араб-ислом саммитидаги нутқи Ўзбекистоннинг мураккаб Фаластин — Исроил мoжaрoсини тинч йўл билан ҳaл этишгa интилиши қaтъий экaнини билдирди.

Унда хaлқaрo хaмжaмийaт дaвлaтнинг ҳaрбий ҳaрaкaтлaрини зудлик билан тoхтaтиш вa гуманитар йўлaклaрни oчишни қўллaб-қуввaтлaш муҳимлиги ҳaқли рaвишдa тaъкидлaнди. Ўзбекистoн рaҳбaрининг БМТ вa Хaвфсизлик Кeнaшaсигa мoжaрoни кeскинлaштириш мaсaлaсигa устувoр аҳaмийaт бeришгa чaқириву, шубҳaсиз, ижoбий ўзгaришлaргa умид бaҳш eтaди.

Президент Шaвкaт Мирзиёев Фaлaстин хaлқи учун пoйтaхти Шaрқий Қуддус бўлгaн мустaqил дaвлaт бaрпo этилишини қўллaб-

Су ЧАН, Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти етакчи илмий ходими:

— Ўзбекистон рaҳбaрининг Фaлaстин муaммoсигa бaғишлaнгaн сaммитдaги мaърузaси бугунги кундa хaлқaрo хaмжaмийaт oлдидa тургaн энг дoлзaр вa мураккaб мaсaлaлaрини кун тaртибигa кўтaриб, глoбaл сийcат контекстидa aлoҳидa аҳaмийaт кaсб eтди. Ўзбекистoн eтaкчиси 2023 йилдa Ар-Риёддaги сўнгги учрашувдaн бўён мoжaрo кўлами янадa кучaйиб, минглaб бeғунох oдaмлaрининг ҳaётигa зoмин бўлгaнини, ҳaётий муҳим инфpaтузилмaни вaйрoн қилгaнини тўғри тaъкидлaди.

Атроф-муҳит инфoслaнини билaн бoғлиқ хaтaрлaрни қисқaртириш, бaрқaрoр биoхилмa-хиллик вa тpaнcчeгaрaвий сув рeсурслaри мaсaлaлaридa ягoнa ёндашувлaр ишлaб чиқиш зaрурлигини қaйд этиб, дaвлaтимиз рaҳбaри Бирлaшгaн Миллaтлaр Тaшкилoти шaфeлигидa Дaрё экoтизимлaрининг бутунлиги вa экoлoгик хaвфсизлигини тaъминлaш сoҳacидa мaжбуриятлaр тўғрисидаги Дeклaрaцияни ишлaб чиқиш тaшaббуcини илгaри сурди.

Шунингдек, Ўзбекистoндa ўсимликлaрнинг иқлимгa чидaмлилигини oшириш учун Гeнeтик рeсурслaрнинг минтақaвий бaнкини ҳaмдa дeнгизгa чиқиш йўлигa эгa бўлмaгaн мaмлaкaтлaр учун БМТнинг иннoвaциoн aгpocнaоaт хaбини тaшкил этиш тaклиф қилинди.

Иқлим ўзгaришлaридaн зaрaр кўрaётгaн мeгaпoлис вa шaҳaрлaрнинг бaрқaрoр ривoжлaниши, яшaш учун қулай шарoитлaр ярaтиш сoҳacидa тaжрибa вa билим, энг яхши aмaлиётлaр тpaнсфeри учун Жaҳoн иқлим пoйтaхтлaри aльянсини тaшкил этиш ҳaмдa унинг биринчи фoрyмини Тoшкeнтдa ўткaзиш тaшaббуcи билдирилди.

Президентимиз COP29 мaмлaкaтлaри вaкиллaрини кeлгуси йили 15 мaйдa — Хaлқaрo иқлим кунидa Оpoлбўйидa ўткaзилaдигaн Рaқaмли “яшил” тaшaббуслaр глoбaл фeстивaлидa иштирок этишгa тaклиф eтди.

Сўзининг яқунидa Президент Шaвкaт Мирзиёев Ўзбекистoн умумий фaрoвoнлик вa узоқ муддaтли “яшил” тaрaққиёт йўлидa oчиқ мyлoқoт вa aмaлий шepикликa дoим тaйёр экaнини тaъкидлaди.

Ўзбекистoн Рeспубликaси Президентининг Озaрбaйжoн Рeспубликaсигa aмaлий тaшpифи дaвoм этмoқдa.



қувватлаб, масалани адолатли ҳал этиш йўлини чуқур англашини кўрсатди.

Ўзбекистон Президентининг икки давлат ечими учун глобал альянсини қўллаб-қувватлаши унинг узоқ муддатли тинчликка эришиш йўлида биргаликдаги сайёҳаракатлар зарурлигини кўра билишини таъкидлайди.

Гуманитар ёрдам кўрсатишни кенгайтириш чакирини, урушда жабрланган фаластинлик

Черногория Президенти Яков Милатович билан учрашувда сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва туризм соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Иқтисодий кун тартибини ишлаб чиқиш учун Ҳукуматлараро комиссия тузиш ва унинг биринчи йиғилишини келгуси йилда Тошкент шахрида бизнес форуми билан биргаликда ўтказиш таклиф этилди.

Бундан ташқари, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва инвестицияларни ҳимоя қилиш бўйича асосий битимлар тайёрланади, ушбу йўналишларда саноат кооперациясини ривожлантиришга доир “йўл харитаси” ишлаб чиқилади.

Бўлажак олий даражадаги учрашувлар режаси ҳам қўриб чиқилди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо билан учрашувда ушбу нуфузли халқаро молия институти билан кенг қамровли ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари қўриб чиқилди.

Банкнинг мамлакатимизга инвестициялари 5 миллиард евродан ошгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон банкнинг минтақамиздаги энг йирик ҳамкори ҳисобланади.

ЕТТБнинг фаол иштирокида банк секторини хусусийлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда, инвестициялар ва ер қазирдан фойдаланиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон ва ЕТТБ ўртасидаги ҳамкорлик стратегиясини амалга ошириш ва уни янада бойитиш муҳимлиги таъкидланди. Энергетика

ЎЗА

ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Таълим ва экология соҳасидаги алмашинувларни мустаҳкамлаш, шу жумладан, БМТнинг Оролбўйи учун Траст жамғармаси фаолиятида Финляндиянинг фаол иштирок этиши истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак олий даражадаги учрашувлар режаси қўриб чиқилди.

Черногория Президенти Яков Милатович билан учрашувда сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва туризм соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Иқтисодий кун тартибини ишлаб чиқиш учун Ҳукуматлараро комиссия тузиш ва унинг биринчи йиғилишини келгуси йилда Тошкент шахрида бизнес форуми билан биргаликда ўтказиш таклиф этилди.

Бундан ташқари, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва инвестицияларни ҳимоя қилиш бўйича асосий битимлар тайёрланади, ушбу йўналишларда саноат кооперациясини ривожлантиришга доир “йўл харитаси” ишлаб чиқилади.

Бўлажак олий даражадаги учрашувлар режаси ҳам қўриб чиқилди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо билан учрашувда ушбу нуфузли халқаро молия институти билан кенг қамровли ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари қўриб чиқилди.

Банкнинг мамлакатимизга инвестициялари 5 миллиард евродан ошгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон банкнинг минтақамиздаги энг йирик ҳамкори ҳисобланади.

ЕТТБнинг фаол иштирокида банк секторини хусусийлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда, инвестициялар ва ер қазирдан фойдаланиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон ва ЕТТБ ўртасидаги ҳамкорлик стратегиясини амалга ошириш ва уни янада бойитиш муҳимлиги таъкидланди. Энергетика

ЎЗА

самарадорлиги, кичик ва ўрта бизнес, аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳа ва инфратузилмада давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш, шунингдек, “яшил” шаҳарларни ривожлантириш соҳаларида янги лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш ҳамкорлигининг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Келгуси йилда Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ислом тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон ал-Жассир билан учрашувда ушбу етакчи халқаро молиявий институт билан ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ислом тараққиёт банки билан шериклик жадал ривожланиб бораётганини юқори баҳолади. Жорий йилнинг март ойида Тошкентда ислом дунёсининг етакчи молия институтлари иштирокида банк раҳбарлигидаги Араб мувофиқлаштириш гуруҳининг йиғилиши муваффақиятли ўтказилди.

ИТБ билан лойиҳалар портфели 4 миллиард доллардан ошди, уларнинг 40 фоизи хусусий секторга тўғри келмоқда.

Банк иштирокида ташкил этилган Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш бўйича қўшма жамғарма капитали изчил шакллантирилмоқда.

Таълим, соғлиқни сақлаш, инфратузилма, тадбиркорлик, экология соҳаларида янги лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш, хусусий инвестицияларни сафарбар этиш, банк тузилмаларини лойиҳа ишларига фаол жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз саноати ва тоғ-кон тармоғидаги йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ИТБнинг иштироки юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Яшил иқлим фонди ижрочи директори Мафальда Дуэрте билан учрашувда иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатишга қаратилган қўшма лойиҳа ҳамда дастурларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

ЎЗА

Жамғарма томонидан Ўзбекистоннинг тегишли ташкилотлари салоҳиятини ривожлантириш ва миллий мослашув режаларини ишлаб чиқишга кўмак кўрсатилаётгани юқори баҳоланди.

Хозирги кунда қўшма лойиҳалар портфели 160 миллион долларни ташкил этиб, сув ресурсларини бошқариш, “яшил” энергетикани ривожлантириш, “яшил” молиялаштириш ва бошқа бир қатор устувор йўналишларни қамраб олган. Бундан ташқари, 5 миллиард долларлик иккита минтақавий ва 500 миллион долларлик учта миллий лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Инновацион кўкаламзорлаштириш ва ерларни барқарор бошқариш, Оролбўйидаги ижтимоий-экологик вазиятни яхшилаш дастурларини амалга ошириш орқали шерикликни янада кенгайтиришга келишиб олинди.

Ислом дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоти (ICESCO) бош директори Салим ал-Малик билан учрашувда амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва қўшма гуманитар лойиҳаларни илгари суриш масалалари қўриб чиқилди.

ICESCO билан ҳамкорлик бўйича миллий комиссия тезроқ тузиш муҳимлиги қайд этилди.

Глобал ўзгаришлар институти раиси Тони Блэр билан учрашувда Ўзбекистон — Британия муносабатларини янада ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, Глобал ўзгаришлар институти билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Буюк Британиянинг собиқ бош вазири янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ва орта қайтмас ислохотлар дастурини юксак баҳолаб, уларни амалга оширишда экспорт-маслаҳат кўмагини таклиф этишга тайёрлигини билдирди.

Институт билан биргаликда транспорт йўлакларини ривожлантириш, янги бозорларга чиқиш, халқаро тўлов тизимларини жорий этиш, инвестиция сиёсати самарадорлигини ошириш ва бошқа соҳалар ҳамкорлигининг устувор йўналишлари сифатида қайд этилди.

Шериклиكنинг аниқ йўналишларини белгиллаб олиш учун тегишли идоралар экспертлари даражасида қўшимча учрашувлар ўтказишга келишиб олинди.

ЎЗА

Эътироф

АЗИЗ САНЖАР ТУРКИЙ ДУНЁНИНГ ЮКСАК МУКОФОТИГА МУНОСИБ КЎРИЛДИ

Ҳазрат Навоий ҳаёти давомида илм аҳлини қўллаб-қувватлади. Ижодий фаолиятида дўстлик, ҳамжихатлик, юксак инсоний гуманизм ғоясини илгари сурди. Бугун янги Ўзбекистон олиб бораётган ташқи ва ички сиёсат замирида улуг аждодларга эҳтиром, улар йўлини давом эттиришдек қутлуг мақсад мужассам.

Биргина туркий дунё бирлигига қўшган ҳиссаси учун Алишер Навоий номидagi халқаро мукофот таъсис этилиши ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Зеро, бугун илм-фан, адабиёт ва санъат орқали дунёга эзгуликни тарғиб этган шахсларни улугʻлаяпмиз. Дунёга, муҳими, ёшларга ибрат қилиб кўрсатмоқдамиз. Шунинг ўзиёқ янги Ўзбекистон тутган йўлнинг қанчалик инсонпарварликка йўғрилганини кўрсатади.

Мазкур халқаро мукофот Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2021 йил 12 ноябрда Истанбулда бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг VIII саммитида таъсис этилган эди.

Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги саммитида ташкилотга аъзо давлатлар Туркия вакили Азиз Санжар номзодини қўллаб-қувватлади. Шу тариқа туркий дунёнинг яна бир йирик намоёнасиди, кимёгар олим, Нобель мукофоти лауреати, Шимоллий Каролина университети профессори Азиз Санжар туркий дунё бирлигига қўшган ҳиссаси учун Алишер Навоий номидagi халқаро мукофотга муносиб кўрилди.

Олим доим туркий дунё халқларини улугʻлаб, илм-фан учун муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Хусусан, у юртимизга бир неча бор тaшpиф буюриб, талабалар билан учрашган, бир қатор илмий тадбирларда иштирок этган. Молекуляр биология соҳасида фаолият юртгаётган мухтаcсисларимиз билан тажриба алмашган ва ёш, иқтидорли олимларимиз инновацион илмий тадқиқот фаолият билан кенг шугʻулланиши учун ўз тажрибасини ўртоқлашган. Шу ўринда унга “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос

халқаро университетининг фахрий доктори унвони ҳам берилган.

Умуман олганда, Азиз Санжар ўз исми, аждодларга муносиб тарзда бугунги туркий оламнинг илмий салоҳиятини дунёга танитишга муносиб ҳисса қўшган шахс ҳисобланади. Бундан ҳақли равишда фахрланишини эътироф этади ҳам. Буни олимнинг бир неча йил аввал юртимизга келганда айтган қўйидаги фикрларидан билиб олиш мумкин: “Дунёда Ўзбекистонни Форобий, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Фарғоний, Мирзо Улуғбек каби жaҳoн фaнининг тaмaл тошлaрини қўйгaн oлимлaр Вaтaни сифaтидa билишaди. 2015 йилдa мeнгa кимё вa биoкимё фaнлaри бўйичa Нoбeль мукофoти берилгaнидa бу нуфузли мукофoтни мaзкур фaнлaргa aсoc cолгaн Бepуний вa Ибн Cинoлaрнинг aвлoди сифaтидa қaбул қилиб oлдим”.

Шу ўринда Алишер Навоий номидagi халқаро мукофот кимларга ва қандай ишлари учун бeрилади дeгaн сaвoлгa жaвoб бepac. Мукофoт билaн, aввaлo, тинчликни cақлaш, хaвфсизлик вa ишoнчни мустaҳкaмлaш, Туркий дaвлaтлaр тaшкилoтигa aъзo вa кузaтувчи дaвлaтлaр ўртaсидa турли cоҳaлaрдa кўп қиррaли хaмкoрликни

Илмий дунёдаги энг обрўли илмий муассасаларидан бири — АҚШ миллий фанлар академияси аъзолигига сайланган биринчи туркий дунё олими Азиз Санжар юртимиз ёшлари билан учрашганда ўз соҳасида кўп қиррaли вa вaтaнпaрвaр шaхc бўлиш зaрурлигини тaъкидлaгaн. Бугун у хaлқимизнинг aнa шундaй cерқиррa, юрт қaдрини улугʻлаб, oлтин қaфaсни янтoққoр кeнгликдaн aфзaл билгaн мутaфaққир Алишер Нaвoий нoми билaн aтaлгaн мукофoтгa муноciб кўрилди. Шунинг ўзиёқ туркий дунё, хусусан, янги Ўзбекистон аждодларнинг ўлмас гоялари ҳақ жaдaл oдиmлaгaнaдигaн дaлoлaт.

Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири





Кўнғиротбой ШАРИПОВ,
олий таълим, фан ва инновациялар вазири,
техника фанлари доктори, профессор

Кузнинг илиқ кунлари тугаб, киш фаслининг ёгингарчиликка бой кунлари яқинлашиб келмоқда. Доно халқимиз айтганидек “Ақрабнинг ярми куз, ярми қишдир”. Мамлакат даражасида ёмғир ва қор, селдан самарали фойдаланиш сув танқис бугунги давр учун муҳим аҳамиятга эга. Жорий йил 7 ноябрда давлатимиз раҳбари раислигида қишлоқ хўжалигида сув ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Видеоселекторни қиш мавсуми бошланишида энг долзарб ва ўз вақтида ўтказилган йиғилиш деб айтиш мумкин. Чунки бугун дунё бўйлаб, хусусан, минтақамизга ҳам экологик муаммолар қатори сув танқислиги жиддий хавф туғдирмоқда. Шу сабабли Ўзбекистонда сув тежовчи инновацион муҳандислик технологияларини кенг жорий қилиш, табиатнинг бу ноёб неъматини сақлаш ва тежаш масаласида жадал ислохотлар ўтказилмоқда.

Жаҳон метеорология ташкилоти маълумотларига кўра, 2050 йилга бориб, дунё аҳолисининг ярмидан кўпроги, яъни 5 миллиарддан зиёд одам сув танқислигини бошдан кечириши мумкин. Бундай таҳлиллар иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг кўпайиши, дарё ҳамда бошқа сув ресурсларидан самарасиз фойдаланиш оқибатида юзага келаётган муаммолар сифатида баҳоланмоқда. Сувдан оқилона фойдаланиш нафақат айрим давлатлар учун, балки глобал миқёсда ҳам долзарб масалага айланмоқда.

Ўзбекистонда сув тақчиллиги иқтисодийнинг турли соҳалари, айниқса, қишлоқ хўжалиги ва саноатга сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Сув хўжалиги вазирилик маълумотларига кўра, мамлакатимиз сув ресурсларининг 80 фоизини қўшни давлатлардан олади, фақат 20 фоизи мамлакат ичида шаклланади. Бу вазият давлатимиз раҳбарининг оқилона позициясини тасдиқлаб, Марказий Осиё давлатлари, айниқса, Амударё ва Сирдарё сувидан фойдаланишда қўшни давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро яхши қўшничилик ва бир-бирини тўлдириш тамойилларига асосланган стратегияларни ривожлантириш зарурлигини кўрсатади.

2030 йилга бориб, Ўзбекистон сув таъминотида 7 миллиард куб метр сув етисмовчилиги кузатилиши ҳисобга олинса, сув ва сув ресурсларини тежаш ҳамда оқилона бошқариш стратегияси долзарб масалага айланади. Шу муносабат билан иқтисодийнинг барча тармоғида сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш зарурати пайдо бўлмоқда.

Видеоселекторда Президентимиз Марказий Осиёда сув ресурслари тақчиллиги муаммоси институционал ечимлар кутаётганини таъкидлади. Ушбу муаммони ҳал этиш минтақа давлатлари, халқаро молия ташкилотлари ва экспертлар билан илмий ҳамкорликда сайёҳаракатларни кенг қамровли дипломатик шакилда олиб боришни талаб этади. Натигада Амударё ва Сирдарё каби асосий дарё манбалари мавжуд минтақада трансшегаравий сув масалаларини режалаштириш бўйича умумий сиёсат ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиш заруратга айланади. Жумладан, сув тежовчи технологиялар ва инновацияларни жорий этиш сув ресурсларини самарали бошқаришга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, нафақат мамлакат саноати ва қишлоқ хўжалиги тараққиёти, балки минтақавий иқтисодий барқарорлик ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.



Ёмғир ва сел суви омборини рақамлаштириш — сув танқислиги муаммосига ечим

Видеоселекторда Ўзбекистонда сув ресурсларини тежаш ва самарали бошқариш соҳасидаги ислохотлар, янги технологияларни жорий этиш ва рақамлаштириш жараёни қишлоқ хўжалиги имкониятини оширишда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Мамлакатимизда сувни ҳисобга олиш ва бошқаруvingн шифоф тизими йўлга қўйилгани туфайли ернинг сув билан таъминланиши яхшилланиб, миллиардлаб куб метр сув тежалаётгани алоҳида қайд этилди. Бу ўзгаришлар сув ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини бериш билан бирга, экологик барқарорлиқни таъминлайди.

Йиғилишда сув таъминоти ва бошқарувини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор муаммолар ҳам мавжудлиги айтиб ўтилди. Хусусан, насосларни модернизация қилиш ишлари бажарилаётган бўлса-да, кўп-лаб кичик насослар эскилиги сабабли сув таннархи хали ҳам юқори. Қолаверса, сув тежашда бетонлашган каналларнинг фойдаси мавжуд бўлса-да, бу тажриба барча ҳудудда тенг даражада жорий қилинмагани сугоришда сув исроф бўлишига олиб келаётгани қайд этилиб, ҳолат назоратга олиниши кераклиги таъкидланди. Шунинг учун келгусида магистрал ҳамда ички каналларни бетонлашга қўшимча маблағ ажратиб режалаштирилгани бу борадаги аниқ вазифаларни белгиләб берди.

Ёгингарчилик мўл-кўл бўлган ҳудудларда ёмғир ва сел сувини тўплаш ҳамда бошқаришда энергетикамкор насослар ва қуёш панелларини ўрнатиш орқали электр энергиясини тежаш ва қўшимча даромад олиш мумкин. Масалан, Хоразм вилояти фермерлари қуёш панеллари орқали сув насосларини қувватлантириб электр энергиясини тежашга эришмоқда. Натигада ортиқча энергияни давлатга сотиб, қўшимча фойда кўрмоқда. Бу каби инновацион амалиётлар нафақат электр энергиясини тежаш, балки фермерларнинг даромадини ошириш ва янги технологияларни қабул қилишга рағбатлантиради.

Сув тежовчи технологияларини жорий қилиш ва лазерли текислаш орқали ерни самарали сугориш қамрови кенгайтирилиб, мавсумий сел сувини йиғиш орқали сув ресурсларини тўлдириш йўлида ҳам муҳим қадамлар қўйилмоқда. Бу чоралар ҳудудлардаги сув таъминотини яхшилаш ва ерни сугоришда барқарорлиқни таъминлаш учун аҳамиятлидир.

Ўзбекистонда сув бошқарувини рақамлаштириш, марказлаштирилган ахборот тизими орқали сув бошқарувини онлайн кузатиш ва таҳлил қилиш ҳамда сув истеъмолини аниқ ҳисобга олиш келгусида қарор қабул қилиш ва сув тежашга ёрдам беради.

Сув тежовчи технологияларини жорий этишда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан биргаликда илгор гидротехника технологияларини татбиқ қилиш орқали фермерлар ва соҳадаги мутахассислар учун сув тежовчи технологиялар бўйича ўқув дастурлари ҳамда амалий кўникмаларни ривожлантириш самарадорлиқни оширишга кўмаклашади.

Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда мазкур жараёнда илгор сув бошқаруви стандартлари асосида янги йўналиш ҳамда таклифларни ишлаб чиқиш мумкин. Халқаро тажрибани ўрганиш асосида Ўзбекистон шартлигига мос келувчи инновацион ёндашувларни жорий этиш лозим. Масалан, Буюк Британия, Австралия ва Германияда қўлланаётган “сувга сезир шарҳар” дизайни (WSUD) ва “тубка шарҳар” концепцияси каби стандартлар асосида сув бошқарувини йўлга қўйиш орқали сувни тежаш ва оқимини самарали бошқариш мумкин. Бундан ташқари, “ақили сув” технологияларини жорий этиш билан сув истеъмолини реал вақтда мониторинг ва таҳлил қилиш қулай. Бу эса муаммоларни эрта аниқлаш ва тезкор чоралар кўришга ёрдам беради.

Сув манбаларини оптимал тақсимлаш, марказлаштирилган сув сақлаш тизимлари орқали сувини самарали сақлаш имкониятларини ошириш ва уни Ўзбекистонда сув танқислигини енгилаштиришда самарали қўллаш мумкин.

Хусусий сектор билан шериклиқни кучайтириш ва инвестицияларни жалб қилиш сув бошқаруви инфратизимасини янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, халқаро стандартларга мувофиқ келадиган сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун сармоялар жалб қилиш лозим. Бундан ташқари, аҳоли ва фермерлар ўртасида экологик онгни ошириш ва сув ресурсларини тежашга эътиборни кучайтириш ҳам соҳадagi муҳим жараёнлардан.

Ёмғир, сел ва қор массасидан ҳосил бўладиган сув ресурслари, табиий сув манбаларини тежаш ва улардан самарали фойдаланиш ҳамда бошқаришга йўналтирилган чора-тадбирлар қишлоқ хўжалигида юқори иқтисодий самарадорлиқни таъминлашга хизмат қилади.



нинг эҳтиёжига мос технологияларни танлаб, ускуналардан оқилона фойдаланишда қўллаб-қувватлаш талаб этилади. Шу боис, ҳудудий техник марказларни ташкил этиш, ускуналар ҳолатини мунтазам кузатиш ва рақамлаштириш тизимини йўлга қўйишга устувор аҳамият қаратишмоқда.

Йиғилишда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш билан бирга, рақамлаштиришнинг жадаллаштириш масаласи ҳам кўтарилди. Бугун насос станцияларига онлайн назорат тизимлари ва “ақили сув” қурилмалари ўрнатилмоқда. Аммо мазкур қурилмалардан келадиган маълумотларни таҳлил қилиш ва сугоришнинг бошқариш бўйича ягона ахборот тизими мавжуд эмас. Сув ресурсларини бошқаришнинг ягона ахборот тизимини яратиш орқали ҳар бир ҳудуддаги сув истеъмолини мониторинг қилиш, техник ҳолатни таҳлил этиш ва фермерларга сув тежаш бўйича тавсиялар бериш мумкин. Бу қадам рақамлаштириш ва сунъий интеллект ёрдамида автоматик бошқарув орқали сув тежамкорлигини янада оширади.

Ёмғир ва қор, сел сувини бошқаришда халқаро институционал тажриба

Бугун сув ва сув ресурсларини инновацион технологиялар асосида бошқариш оммалашиб, сув манбалари қисқариши муаммоси долзарб бўлиб бормоқда. Экспертлар прогнозига кўра, 2025 йилда ривожланаётган дунё аҳолисининг учдан бир қисми сув танқислиги муаммосига дуч келади.

Ер юзида сув оқими нотенг тақсимланган бўлиб, кўп қисми ёгингарчиликнинг фазовий ва вақтинчалик ўзгаришчанлиги сабабли мавсумий тошқинлар орқали исроф бўлади. Ҳозирги техник, ижтимоий, экологик ва иқтисодий жиҳатдан самарали дастурлар орқали йилга тахминан 9000-14000 куб километр сувининг (ёгингарчиликнинг 8-13 фоизи) назорат қилинишига эришилган. Шунингдек, тахминан 3400 куб километр сув (3 фоиз) турли мақсадда ишлатилади. Бу ўринда энг катта улуш қишлоқ хўжалигига тўғри келади, яъни умумий сув истеъмолининг тахминан 70 фоизини ташкил этади. Қолган қисми асосан, аҳоли турмуш тарзи ва саноат эҳтиёжи учун сарфланади. Гидроэнергетика, экотизимлар, навигация ва дам олиш учун ҳам сувдан фойдаланилади.

Жаҳон сув кенгаши эътироф этганидек, ёгингарчиликнинг мавсумийлиги ва тақсимланиши, айниқса, Осиё минтақасида сувдан самарали фойдаланиш ва уни сақлаш имкониятлари билан изохланади. Бу борада Бангладеш тажрибаси шаклланиб бормоқда. У ерда ёгингарчиликдан унумли фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлиги ошириляпти. Мазкур мамлакатда мунтазам ёгингарчилик ва тошқинлар қишлоқ хўжалиги учун зарур намлиқни таъминлайди ҳамда тупроқ ҳосилдорлигини оширади. Бу ерда табиат суви, кам фойзли кредит ва янги технологиялар ёрдамида фермерларни қўллаб-қувватлаш, молиявий барқарорлигини таъминлаш тизими йўлга қўйилган.

Ёгингарчиликдан технологик фойдаланиш кўплаб мамлакат, жумладан, Норвегияда кенг жорий этилган. У ерда сув таъминоти учун асосий манба кўл ва сув омборларида йиғилган ёмғир суви. Сув тошқини сабабли шаҳарлардаги ёмғир ёки сел суви муаммо сифатида қаралган. Шунинг учун шаҳарлар махсус сув чиқариш тизими орқали дренажлаштирилади. Иқлим ўзгариши сабабли қисқа муддатли кучли ёмғир ёки вақт-вақти билан узоқ давом этувчи экстремал ёмғир ҳодисаси муҳандислик инфратузилмалари орқали муайян жойда тўпланади. Ёмғир кучайиши натижасида ҳосил бўладиган сув тошқини туфайли оқова сув тармоғи орқали чиқариладиган чўкиндаги экологик зарар сифатида қаралади.

Норвегиянинг айрим ҳудудига муайян вақт давомида кўроқчилик ва сув танқислиги ортиб бормоқда. Масалан, 2018, 2021-2022 йилларда бундай ҳолат кўп кузатилган. Бу эса ёмғир сувини йиғиш ва ишлатиш, шунингдек, чиқиндиларни қайта ишлашнинг аҳамиятини янада оширади. Кўроқчилик, тошқин, иқлим ўзгариши ва урбанизация билан боғлиқ муаммолар сув ресурсларини барқарор бошқариш зарурлигини кўрсатмоқда. Ёмғир сувини муҳим ресурс сифатида қўллаш билан бирга, ундан турли ижтимоий ва экологик манфаатга эга, яшаш учун қулай, муҳити соғлом ва барқарор шаҳарларни яратишда ажралмас қисм сифатида фойдаланиш мумкин.

Халқаро миқёсда ёмғир сувини йиғиш амалиёти қадимий даврларга бориб тақалади. Лекин ёмғирни йиғиш ва фойдаланиш ривожланиши бўйича минтақалар ўртасида катта тафовут мавжуд. Ўтмиш тажрибасига кўра, етарли миқдорда тоза сув манбан мавжуд бўлмаган ҳудудлар, масалан, Австралия, Бразилия, Миср, Исроил каби мамлакатлар, шунингдек, Хитойнинг шимоли-ғарби, Италия

жанубида бу тизим кенгроқ тарқалган. Бошқа давлатларда эса секин ривожланган ёки баъзиларида энди ривожланипти. Жумладан, Норвегияда ёмғир сувини йиғиш ва фойдаланишга Осло ҳамда шарқий ҳудудлардаги муниципалитетлар қизикки билдирмоқда.

Осло ва Фрогн каби ҳудудлар фуқароларни ёзда бог сугориш учун ичимлик сув ўрнига ёмғир сувида фойдаланишга ундамоқда. Бог сугориш учун ёмғир сувини тўплаш бўйича қўлланмалар нашр қилинган. Келгуси йилларда Осло шаҳри ҳокимлиги ёмғир сувини йиғишга сув оқимини назорат қилиш, тошқиннинг олдини олиш ва спорт ёки кўнглинчар мақсадларда фойдаланиш омили сифатида қарамоқда.

Фикримизча, Норвегияда ёмғир сувини йиғиш ва сел сувида фойдаланиш кўлами келажақда, айниқса, иқлим ва жамиятдаги ўзгаришлар сабабли янада кенгайди. Бу эса сув тақчиллигига дуч келаётган Ўзбекистон каби мамлакатлар учун ёмғир сувини йиғиш ва сел сувида фойдаланиш бўйича халқаро тажри-



бани ўрганишни талаб этади. Бунинг учун инновацион натижалар, жумладан, қадимий технологиялардан то энг сунгги ишланмаларгача амалиётга татбиқ этиш жуда муҳим.

Халқаро тажрибаларга кўра, ёмғир ва қор, сел сувини тўплаш бўйича Австралиядаги кенг қамровли амалиёт, шунингдек, Хитой, Португалия ва Германиядаги ёмғир сувини йиғиш тажрибаси ўрганишга арипти.

Ёмғир сувининг сифати, одатда, бошқа сиртлардан йиғилган сел суви сифатига нисбатан анча яхши. Чунки ер юзасидан оқиб келган сув одатда тупроқ, органик моддалар ва бог ўғитига бой бўлиб, турли қўшимчаларни ўз ичига олади. Шу сабабли ёмғир сувида самарали фойдаланиш мумкин.

Ёмғир сувида фойдаланишнинг хитойча анъанаси ва инновацион технологик босқичлар

Хитойда ёмғир сувида фойдаланишнинг узоқ тарихий анъанаси мавжуд бўлиб, бу қадимий даврлардан бугунгача давом этмоқда. Қадимий хитойлик файласуф Лаоцзи “Яхшилик сувга ўхшайди. Чунки у барча нарсасига керак, лекин ҳеч нима талаб қилмайди”, деган. Мазкур ҳикматдан кўриниб турибдики, хитойликлар минг йиллар давомида ёмғир сувини йиғиш лойиҳалари билан шугулланган.

Иқлим ўзгариши ва табиий офатлар, айниқса, тошқинлар ҳамда кўроқчиликка қарши курашни мақсадида Хитойда ёмғир сувини йиғиш лойиҳалари яратилган. Бундай лойиҳалардан бири 1300 йилдан

кўроқ жойлардан. Ёмғир сувида ҳудудда ичимлик ва бошқа эҳтиёжлар учун муҳим манба сифатида фойдаланилади. Сув танқислиги туфайли ёмғир сувини йиғиш мажбурий чорага айланган. Шунга кўра, Гансу маҳаллий ҳукумати “121-ёмғир сувини тўплаш” лойиҳасини амалга оширишга қаратилган стратегия қарор қабул қилди. “121” номи ҳар бир оилга 80-150 куб метр майдонда ёмғир сувини тўплаш тизимини қуришга кўмак беришни, биринчи “1” иккита ер ости идишини, ҳар бири 15-20 куб метр ҳажмда бўлиб, бири уй-рўзгор эҳтиёжлари, иккинчиси эса томорқани сугориш учун мўлжалланган (“2”) ва хонадон ёнидаги майдонни сугориш учун ёмғир суви сақла-надиган ҳазвани (иккинчи “1”) билдиради.

Хитой ҳукумати 1996 йилда “Ёмғир сувини йиғиш, сугориш” лойиҳасини тақлиф қилди. “121” лойиҳаси уй-рўзгор эҳтиёжларини қондириш учун сув етказиб берган бўлса, сугориш лойиҳаси деҳқонларга ўз хонадонидида иқтисодийни ривожлантириш ва турмуш шароитини яхшилашга йўл очди.

Ёмғир сувини йиғиш амалиётини татбиқ этишда стандартлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ёмғир сувини тўплаш, сақлаш ва фойдаланиш бўйича техник код 2001 йилда биринчи марта саноат стандарти сифатида жорий қилинган ва SL267-2001 сифатида таснифланган. Бу ёмғир сувини йиғиш бўйича Хитойдаги биринчи саноат стандартидир. У қишлоқ ва шаҳарларда ушбу сувдан фойдаланишга қаратилган.

Ёмғир ва сел сувида фойдаланиш турли мамлакат ва минтақалардаги сув ресурслари, сувга талаб, иқтисодий ривожланиш ва сиёсий жараёнларга боғлиқ ҳолда амалга ошириладиган инновациялар самарадор эканини кўрсатади.



МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЧИНАКАМ ОВОЗИГА АЙЛАНМОҚДА




Ихтиёр БЕКОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

Жорий йил 27 октябрда вакиллик органларига сайлов янгиланган Конституциямиз асосида конституциявий-ҳуқуқий шароитда ўтди. Мазкур жараёнинг натижаси фуқароларимизнинг сайлов

маданияти юқори босқичга чиққанини, сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат янада кучайганини кўрсатди. Сиёсий жараёни кузатиб бориш учун юртимизга ташриф буюрган 850 нафардан зиёд хорижий ва халқаро кузатувчи сайловнинг очик ва адолатли ўтганини эътироф этди. Бу эса мамлакатимизда сайловни халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик талаблари асосида ўтказишда сўнгги йилларда катта тажриба тўпланганининг яққол ифодасидир.

Бундан ташқари, сайловга оид изчил ислохотлар давом эттирилиб, “Е-saylov” ахборот тизими ёрдамида жараёнинг кўллаб тартиб-таомили рақамлаштирилди, бюрократик тўсиқлар камайтирилди ва шаффофлик оширилди. Кўплаб

сайлов участкаларида овоз бериш жараёнларини онлайн кузатиш имконияти яратилди. Мамлакатимиз тарихида илк маротаба Тошкент шаҳридаги айрим сайлов участкаларида электрон овоз бериш тажриба-синов тариқасида ўтказилди.



“Е-saylov” ахборот тизими ёрдамида жараёнинг кўллаб тартиб-таомили рақамлаштирилди, бюрократик тўсиқлар камайтирилди ва шаффофлик оширилди.

Маҳаллий кенгашларнинг демократик қиёфаси тубдан ўзгарди

Мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш орқали шахс қадрини оширишга эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ўтган йили халқимиз иродаси билан қабул қилинган янгиланган Конституциямиз юртимизда инсон қадри таъминлаш қадр топишга мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда, ислохотларга ҳаётини куч бағишляпти. Сўнгги йилларда маҳаллий кенгашларнинг демократик қиёфаси тубдан янгиланди. Мухим институционал ва концептуал ўзгаришлар юз берди. Уларнинг қонунийлик базаси мустаҳкамланди, ваколатлари кенгайди. Хусусан, маҳаллий кенгаш фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа жиҳатдан хизмат кўрсатиш мақсадида унинг доимий асосда ишловчи котибияти ташкил этилди.

Аввал депутатлар кун тартибига фақат ҳокимнинг ҳисоботи киритилган бўлса, ҳозирги кунда маҳаллий даражада ҳам мавжуд бўлиши учун ҳуқуқий замин яратди. Жойларда ҳокимлар ва маҳаллий кенгашлар ваколати ажратилди. Ушбу ислохот аҳолининг минтақавий хусусиятлари ва эҳтиёжларини яхшироқ ҳисобга олишга имкон беради, ҳудудларни янада самарали бошқариш ва барқарор ривожлантириш учун шароит яратди. Ҳеч шубҳасиз, фуқаролар қарор қабул қилишда иштирок этишининг ҳуқуқий асослари ва механизмларини кучайтириш демократия ҳамда ижтимоий барқарорлиқни мустаҳкамлашда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Халқ вакилларига масъулият ва ишонч ортмоқда

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини халқнинг чинакам овозига айлантириш, ҳудудий бошқарувни аҳоли манфаатларига хизмат қилиш таъминлаш асосида ташкил этиш вазифаси белгиланган. Ўзбекистон Президентининг 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилиниши орқали ҳокимлар ва халқ депутатлари кенгашлари ваколатлари тақсимланишига асосланган давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг янги моделини тўлиқ амалга оширишга яна бир замин яратилди. Мазкур фармон билан кенгашлар ва ҳокимликларнинг вазифа ва жавобгарлик соҳалари ажратилиб, уларнинг ҳар бири ўз ваколати доирасидаги масалаларни мустақил ҳал қилиши ва бунга тўлиқ масъул бўлиши аниқ белгилаб берилди.

Ушбу фармонда кенгашларнинг аҳоли муаммоларини ҳал этишдаги роли ва масъулиятини ошириш, ижроия органларининг халқ вакиллари олдидagi жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган қатор янгилликлар ўз ифодасини топди. Хусусан, фармон билан маҳаллий кенгашларга қўшимча равишда яна 33 та муҳим ваколат берилди. Таълим, экология, уй-жой, транспорт каби аҳоли учун долзарб, унинг таъдирига дахлдор муҳим масалалар шулар жумласидир. Фармонда маҳаллий кенгашлар зиммасига вазифалар фақатгина қонун билан юклатилиши, давлат органлари томонидан кенгашлар фаолиятига аралашинишга йўл қўйилмаслиги, уларга қонунда белгиланган ваколатларига хос бўлмаган вазифалар бажарилиши учун маҳаллий давлат ижроия ҳокимияти органлари масъул бўлиши қатъий мустаҳкамланди.

Очиқлик ва шаффофлик аҳоли манфаатларига хизмат қилади

Сўнгги йилларда давлат ҳокимияти органлари фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлашда, фуқароларнинг жамият ҳамда давлат бошқарувида фаол иштирок этишида маҳаллий кенгаш депутатларининг ўрни муҳим аҳамият касб этмоқда. Халқ вакиллари ҳеч кимни ўз муаммоси билан ёлғиз қолдирмаслик учун ҳаракат қияпти. Улар қийин вазиятга тушиб қолган фуқароларни тинглашга ва қўллаб-қувватлашга тайёр бўлган ишончли қўмакчига айланди. Депутатларнинг вазифаси нафақат ўз сайловчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, балки фуқаролар ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида фаол мулоқот учун шароит яратиш ҳамдир. Ушбу фаолият депутатлар ва фуқаролар ўртасида ижтимоий масъулиятни оширишга ёрдам беради. Қайд этиш керакки, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунда кенгаш сўрови ва кенгаш текшируви институтлари жорий этилиши назарда тутилган. Кенгаш сўрови институти маҳаллий кенгаш раиси ёки депутатларга аҳолини қизиқтирган масалалар бўйича турли давлат органлари, муассасалари ва ташкилотларига расмий сўровларни шакллантириш имконини берувчи механизмдир. Ушбу восита фуқа-

роларнинг аниқ мувожаатларига жавобан керакли маълумотларни, тушунтиришларни олиш ёки чоралар кўришга қаратилган. Мазкур институт депутатларга долзарб муаммоларини ҳал қилиш учун тезкор маълумот ва манбаларни олиш имкониятини бериш орқали маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва давлат идоралари ўртасида очиқ мулоқотни осонлаштиради, аҳоли манфаатларини фаол равишда ҳимоя қилиш имкониятини беради. Фуқароларнинг мувожаатлари асосида сўровларнинг амалга оширилиши имконияти, ўз ўрнида, депутатларга аҳоли фикрини яхшироқ кўриб чиқиш ва уларни қарор қабул қилиш жараёнларига фаолроқ жалб қилишга йўл очади. Кенгаш текшируви институти маҳаллий бошқарув сифатини оширишда муҳим роль ўйнайди. Бу юзга келадиган муаммоларни чуқурроқ ва синчковлик билан ўрганиш, таҳлил қилиш, маҳаллий ҳокимият органлари ишидаги муаммолар ва камчиликларни аниқлашда ёрдам кўрсатади. Мазкур механизм маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятида юқори даражадаги жавобгарлик ва шаффофликни таъминлаш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш учун қўшимча механизмларни яратди.

Янги давр бошланмоқда

Юртимизда бўлиб ўтган муҳим ижтимоий-сиёсий жараён — вакиллик органларига сайлов натижаларига кўра, янгиланган қонунийликка мувофиқ маҳаллий давлат бошқарувининг халқчил ва замонавий модели жорий этилди. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайлов натижаларидан келиб чиқиб, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашларининг биринчи сессиялари бўлиб ўтди. Мазкур сессияларда илк маротаба янгиланган Конституция қоидаларининг ижроси ўлароқ кенгаш раислари сайланди. Умуман олганда, янгиланган кенгашга берилган ваколатлар ва зиммасига юклатилган вазифалар ҳажминини эътиборга олган ҳолда унинг раиси лавозимини эгаллаган шахсдан бир қатор касбий ва шахсий сифатлар, энг аввало, катта ҳаётий тажриба талаб этилади. Бу лавозимдаги шахс халқ дардини

ўз дарди деб ҳисоблайдиган, ҳаёт синовларида тобланган, тегишли ҳудуддаги масала ва муаммоларни яхши биладиган, одамлар орасида катта обрўга эга, шу билан бирга, кун тартибига долзарб масалаларни қўя олиш каби шахсий сифатларига эга бўлиш лозим. Илк бор жорий этилган кенгаш раиси лавозими маҳаллий вакиллик органи фаолиятида янги саҳифа очилиш шубҳасиз. Энди кенгаш раиси доимий асосда фаолият юритиб, депутатлик корпуси ишини мувофиқлаштиради, қўмандона ва комиссиялар ишини йўналтирилади, депутатлар билан аҳоли ўртасидаги ҳамкорлиқни таъминлайди. Бу халқимиз билан маслаҳатлашиб 2023 йилда референдум асосида қабул қилинган янги таърирдаги Конституциямизнинг яна бир муҳим нормаси амалда қўлланилганини кўрсатади.



Томорқачилик

ТЎҚСОН КУНДА

Дехқончиликда “тўқсонбости” деган усул бор. Халқимиз “Тўқсонда сугорсанг, тўқсон ботмон ҳосил оласан”, дейди. Бу бежиз эмас, албатта. Кузда экилиб, қор остида қолдирилган сабзот уруғи кўкламда барвақт униб чиқиб, тез ривожланиши ҳисобига эрта ва мўл ҳосил беради. Бу мавсумда баҳорий сабзавотлар бозори ҳам чаққон бўлади.

ТЎҚСОН БОТМОН ҲОСИЛ БОР

Кеч кузда совуқ ва намгарчилик бошланмасдан тўқсонбости усулида экин экиш учун ноябрнинг охири — декабрнинг биринчи ўн кунлигиде совуққа чидамли сабзавотлардан сўни, пиез, ош лавлаг, қарам, кўкатлар уруғи сепилади. Тўқсонбости қилиб сепиладиган сабзавот уруғи сарфи меъёри 20 фойзгача кўп бўлади. Лалми ва сув танқис майдонларда ҳам тўқсонбости экиш муддатиде сабзавот экинларини экиб, яхши иқтисодий самарага эга бўлиш мумкин. Мамлакатимиз об-ҳавоси ва тупроқ шароитига қараб ҳар бир вилоят учун юқори ҳосилли, зарарқонанда ва касалликларга чидамли, тўқсонбости экиш муддати учун мос навларини тўғри танлаш лозим. Тўқсонбости экиш муддатиде пиезнинг маҳаллий “Истикбол” ва “Зафар”, хорижий “Манас”, “Дайтона”, “Леоне”, “Банко” навларини экиш мақсадга мувофиқ. Сабзининг илдизмеваси қизил рангли, маҳаллий “Зийнат” ва “Фаровон”, хорижий “Шантане 2461”, “Қуроода Шантане”, “Нантская 4”, “Канада”, “Қарсон” каби нав ва дургайларини, ош лавлага, оқ бош ва гулқарамнинг маҳаллий дургайларини экиш тавсия этилади. Кўкат сабзавотлар юқори ҳосилдорлиги, тезпишарлиги, иссиққа кам талабчанлиги билан ажралиб туради. Дехқонлар шу кунларда асосий ва тақорий экинлар ҳосилини йиғиб-териб олиш баробарида тўқсонбости экинлар экишга тараддуд кўрмоқда.

Бу усулда дехқончилик қилишнинг ўзига хос талаблари бор. Кичик майдонларда қўл кучи ёрдамида ернинг нишабига қараб қатор оралари 70-90 сантиметрдан олиниб, экин уруғи уч-тўрт қаторли усулда ёки қўлда сочиб экилади ҳамда 1,5-2 сантиметр чуқурликка кўмилади. Уруғ сепилгандан сўнг майдон сугорилмайди. Барча агротехник тадбир баҳорда бошланади. Пиез дастлаб поясининг бўйи 6-8 сантиметргача етганда, иккинчи марта бозорга боғлаб чиқариладиган товар ҳолига келганда ўтоқ ва яғана қилинади, қатор ораларига ишлов берилади, ўғитланади. Фарғона вилоятида жорий йил август-сентябрда 28 минг 858 гектар майдонга пиез ва саримсоқпиез ҳамда ноябрь-декабрда тўқсонбости усулида сабзавот экинлари экиш белгиланади. Барча тоифали хўжалиқларда 8804 гектарга пиез ва саримсоқпиез экилиб, зарур агротехник тадбирлар амалга ошириляётир. Айни пайтда 10 минг 506 гектарга тўқсонбости усулида сабзавот экинлари (пиез, сабзи, кўкатлар, қарам ва ош лавлаг)ни экиш ишлари қизгин бажарилмоқда. Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси вилоят бошқармаси ҳамда туман бўлимлари аҳоли томорқалари, фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан экиш ишлари бажарилиши, уруғлик, моддий-техника ресурсларининг ўз вақтида етказиб берилиши каби масалаларни жойида ўрганиб, бу борадаги

тадбирларни самарали ташкил этишга амалий ёрдам бериб келяпти. Сабзавот уруғи экилган эгاتлар устидан чиреган маҳаллий ўғит, 2-3 йил сакланган, айниқса, қуриган гўнг, арағтўпоини ҳамда дарахт қипиқлари ташланса ёки шаффоф плёнка билан қопланса, уруғлар ёгингарчилик ва ҳаводаги намлик таъсирида аста-секин бўртади ва совуққа чиникади. Совуққа чидамли сабзавот ва кўкатлар уруғи кеч кузда, декабрнинг биринчи ўн кунлигиде сепилади. Бу экинларни эрта баҳорда экишга қараганда ҳосил етилиши 25-30 кунгача эрта, ҳосилдорлиги эса 15-20 фойз юқори бўлишини таъминлайди. Миришкор дехқонлар учун тўқсонбости усулида ерга уруғ қаддиш муддати етиб келди. Айниқса, мевали бог, тоқзорлар қатор ораларига, очиқ майдонларга сабзавот экинларини тўқсонбости усулида экиш, қузнинг ҳар бир қунидан унумли фойдаланиб қолиш зарур. Бу бозорларимизда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш билан бирга, аҳолининг сабзавот маҳсулотларига эҳтиёжини қондириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Одилжон ИБРОҲИМОВ,
Фарғона политехника институти
профессори, қишлоқ хўжалиги
фанлари доктори

Ислохотлар амалда

БУНЁДКОРЛИК — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Қурилиш — иқтисодийётнинг барча тармоғи ривожланишига катта туртки берадиган соҳалардан. Ҳар бир янги лойиҳа қурилиш материалларига, ишчи ва мутахассисларга талабни оширади. Жорий йил 23 сентябрда давлатимиз раҳбари раислигида қурилиш индустрияси ва қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама қилинган эди. Ўнда бу йўналишдаги аниқ вазифа ҳамда топшириқлар белгиланб берилди. Маҳаллийлаштириш дастурини янада жонлантириш ҳам шулар жумласига қиради.



Ўтган йили Сурхондарё вилоятида маҳаллийлаштириш дастури доирасида муайян ишлар қилинган. Жумладан, қурилиш материаллари sanoatida қиймати 46,3 миллион долларга тенг 105 та лойиҳа ишга туширилиб, 1,3 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Жорий йилда ҳам мазкур йўналишда 166,7 миллиард сўмлик 16 та лойиҳа ҳаётига татбиқ этилмоқда. Худудларда замонавий sanoat тармоқларини ривожлантириш, халқаро бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилишга йўналтирилган лойиҳалар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда вилоятдаги sanoat корхоналарини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасидаги ишлар Жарқўрғон туманида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Масалан,

туманда газоблок ишлаб чиқариш корхонаси лойиҳаси амалга оширилди. — Мазкур корхонанинг умумий қиймати 35 миллиард сўм бўлиб, бутун вилоятдаги деярли барча қурилиш иншоотига маҳсулот етказиб берапти. Мухими, корхона жамоаси шу йил якунига қадар хорижий давлатларга ҳам экспортни йўлга қўйишни мақсад қилган, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича вакили Рўзибой Нормаматов. Мамлакатда маҳаллий хомашёни қайта ишлаб, бозорбоп маҳсулотлар тайёрлаш бугуннинг талаби. Туманда йиллик қуввати 450 минг тонна цемент маҳсулотини ишлаб чиқаришга мўлжалланган чет эл корхонаси фаолият юритмоқда. Қиймати 78,9 миллион доллар бўлган ушбу маъсулоти чекланган жамиятга 47,4 миллион доллар хорижий инвестиция жалб қилинган. Бир

йилда қарий 225 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхона томонидан ҳар йили қиймати 500 минг долларга тенг маҳсулот экспорт қилинапти. Ҳозир бу ерда 370 ишчи-ҳодим фаолият юритаяпти. Вилоятдаги объектларни қурилиш материаллари билан таъминлашда Жарқўрғоннинг Янгиобод маҳалласида жойлашган салкам 1 гектар майдонда иш юритаётган темир-бетон маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектининг ҳам ўрни бор. Лойиҳа қиймати 900 миллион сўм бўлиб, бу ерда айни пайтда 10 та иш ўрни яратилган. Термиз туманида ҳам маҳаллий миқёсда сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми тобора ошиб бормоқда. Масалан, пенополистерол хомашёсидан 50 турдаги сунъий пардозбоп плиталар ишлаб чиқариш бўйича тумандаги “Бунёдкор” массивида 1,5 гектар майдонда жойлашган умумий қиймати 4,1 миллиард сўмлик корхона лойиҳаси ҳам sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми орттишида муайян улугша эга. Қумқўрғон туманида қиймати 1 миллиард 270 миллион сўм бўлган яна бир корхона фаолият юритаяпти. Тўлиқ хорижий усуналар билан жиҳозланган “Богора” кичик sanoat зонасида сув иншоотлари учун темир-бетон қудуқлар ишлаб чиқариляпти. — Корхонанинг бир йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш қиймати 310 миллион сўмни ташкил қилади. Бу ерда иш ҳажми ошиши натижасида ижтимоий дафтарларда рўйхатда турган ишсиз юртдошларимиз доимий иш ўрнига эга бўлди, — дейди туман ҳокимлиги мутахассиси Рўзибол Нормуродова. — Тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури бўйича 2024-2030 йилларда умумий қиймати 9 триллион 200 миллион сўмлик 625 та лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган. Натижада 10 минг юртдошимизнинг бандлиги таъминланади. 2024 йилда Сурхондарё вилоятида жами 228 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун 1,7 триллион сўм ажратилган. Жумладан, инвестиция дастури доирасида 153 та объектда 1,1 триллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилмоқда. Бу рақамлар ортида, албатта, ишбилармонлар меҳнати мубоассам. Тадбиркорларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши — молиявий қўмақдан тортиб, маҳсулот реализациясигача бўлган жараёнда амалий ёрдам кўрсатиш механизми жорий этилгани бизнес вакиллари учун катта имконият яратиб берапти.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили



Бобур ШОЁҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари
академияси бошлиғи, полковник

Бугун янги Ўзбекистонни бунёд этишда ёшлар масаласига, уларнинг таълим-тарбияси ва истиқболига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йил 12 январда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон Президенти, Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони томонидан Қуrolли Кучлар академияси олдига шу йил Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Жиззах вилоятларида тарбияси оғир ва жиноятчиликка мойил 19 минг 779 нафар ёш ҳамда икки тумандаги маҳаллаларда ёшларни оталиққа олиб ишлаш, уларни ўқитиш, касб-хунар, чет тилларни ўргатиш, соғлом ҳаётга қайтариш ва бандлигини таъминлаш вазифалари қўйилди. Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш борасида академиянинг қатор чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Хусусан, Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда тарбияси оғир ва жиноятчиликка мойил ёшлар ҳамда “Ватанга содиқ ёшлар” ҳарбий-ватанпарварлик ўқув йиғинлари дастури тайёрланди, “йўл харитаси” тузилди.

билан семинар-тренинглар ўтказилди. Машгулотларга ҳарбий психологлар жалб этилди. Ёшларга гендер сиёсат мазмун-моҳияти тушунтирилди. Уларнинг тадбиркорлик фаолияти ўрганилиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда иш билан таъминлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Академия профессор-ўқитувчилари ва тажрибали ҳарбий мураббийлари ёрдамида ёт гоёларга берилиши мумкин бўлган ёшлар билан самарали ишланди, уларда ижобий фазилатлар бўй кўрсатишига эришилди.

Уюшмаган ёшлар муаммоларини ҳал этиш бўйича қандай натижаларга эришилди?

Ҳар бир тадбир шунчаки ўтказилмайди. У орқали натижа кўзланади. Академия томонидан бошланган ишлар самарасини Қорақал-

Ёшлар — давлатнинг энг катта бойлиги, бебаҳо капитали, уни ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, интеллектуал ва маданий ривожлантиришнинг асосий манбаидир. Шунинг учун биз қандай ислохотларга қўл урмайлик, аввало, ёшларга, уларнинг куч-ғайрати ва азму шижоатига суянамиз. Уларнинг тимсолида Ватанимиз қанчалик бекиёс хазинага эга эканини чуқур ҳис этамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Жиззах вилоятида рўйхатга олинган, тарбияси оғир ва жиноятга мойил жами 4649 ёшнинг 144 нафари ишга жойлаштирилиб, 39 нафари касб-хунарга ўқитилган, 93 нафарига тадбиркорлик учун кредит ажратилган бўлса, 45 нафарига деҳқончилик учун ер берилган.

Кейинги йиллардаги ўзгариш ва янгиланишлар даврида ёшлар маънавияти, дунёқараши, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, кайфиятини ўрганиш, орзу-умидларига қувват бериш давлат сиёсатидаги муҳим вазифалар қаторига кирди.

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек ва Шайхонтоҳур туманларидаги ўғитига яқин маҳаллада яшовчи уюшмаган ёшлар оталиққа олинди. “Маҳалла еттилиги” кўмағида ҳар бир уюшмаган ёш билан фаол ишланди, уларнинг муаммоларини ҳал этишда манзилли ишлар бажарилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги даврда гаразли кучлар содда, ёр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шaroитда биз — ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳлики янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировнинг қўлига бериб қўймасдан, ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиб, қалбига қўлоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз, уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Ёшлар билан тизимли учрашувлар, суҳбатлар, тадбирлар ўтказилаётгани бу мақсад йўлидаги ишларимиздан биридир. Маҳаллаларда маънавий-маданий тадбирлар ўтказилди, маърифий суҳбатлар ташкил этилди. Бундан ташқари, профилактика ишлари олиб борилди. Ана шундай тадбирлардан бири “Раҳбар ва ёшлар” учрашувлари бўлиб, маҳаллаларда уюшмаган ёшлар муаммоларини ижобий ҳал этиш мақсадини кўзлаган. “Академияда бир куним” лойиҳаси асосида оталиққа олинган 5000 дан зиёд ёш академиямизга таширф буюрди. Уларни қизиқтирган саволларга профессор-ўқитувчилар ва қурсантлар жавоб берди. Дўстона руҳдаги каби учрашувлар ёшларга маъқул бўлди.

“Яшил макон” лойиҳаси бўйича 10 мингта яқин гул ва дарахт қўчати экилди. Маҳаллаларда ҳарбий оркестр, қўл жанги ва фахрий қоровул чиқишлари уюштирилди.

Мирзо Улуғбек туманида 48 ёшнинг олий таълим муассасаси учун шартнома пули, 14 нафар ёшнинг СЎРга тўланадиган пули қоплаб берилди.

1 ноябрь ҳолатига кўра, жами 150 ёшнинг муаммолари ҳал этилди, 11 нафари профилактик ҳисобдан чиқарилди ҳамда 94 нафарига психологик кўмак кўрсатилди. 40 нафарининг муаммолари эса ҳал бўлиши жараёнида.

Шайхонтоҳур туманида ҳам шу каби ишлар амалга оширилди. 1-IV тоифада жами 302 ёшга қўмақлашилди.

Жорий йил февраль-июнь ойлари давомида ҳарбий хизматчилар таътил, хизмат сафари ва қўшимча амалиёт даврида вилоятлардаги 400 дан зиёд умумтаълим, Президент ва ихтисослашган мактабга таширф буюрди, Мудоффа вазирлигига қарашли ОХТМ, “Темурбеклар мактаби” ва Жалолиддин Манғуберди ҳарбий-академик лицейига ўқишга кириш бўйича тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этиди. Уларга 16 мингдан зиёд юқори синф ўқувчиси жалб қилинди, шунингдек, учрашув давомида вазирлик веб-сайтлари ҳамда “Ватан таянчи” отрядлари иш фаолияти бўйича кенг тушунчалар берилди.

Уюшмаган ёшлар билан ишлаш, ахлоқий-тарбиявий жараёни кучайтириш муҳим вазифа бўлиб қолаверади. Шундай экан, ёшлар билан боғлиқ ҳар бир иш бизни бефарқ қолдирмаслиги шарт.

ҲАР БИР ЁШ БАХТЛИ ЯШАШГА ҲАҚЛИ УЛАР ТАҚДИРИ ДАВЛАТИМИЗ ЭЪТИБОРИДА



Манзил аниқ, мақсад аён

2024 йил март ойидан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Жиззах вилоятларида академия масъуллари ва ҳарбий хизматчилардан иборат ишчи гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Улар ҳудудларда оталиққа олинган ёшлар бўйича ташкил этилган штаблар билан ҳамкорликда ишлади.

Ҳудудлар раҳбарлари ҳамкорлигида “Ватанга содиқ ёшлар” ҳарбий-ватанпарварлик ўқув йиғинларининг ташкилий ва молиявий масалалари ҳал этилди. Ўқув йиғинларида иштирок этаётган ёшлар 3 маҳал иссиқ овқат, ҳарбий кийим-кечак, керакли анжомлар, шахсий гигиена воситалари, шунингдек, “Темур тузуқлари” ва “Ўзбекистон тарихи” китоблари, Мудоффа вазирлиги рамзи туширилган спорт кепкаси ва футболка билан бепул таъминланди. Тибиий қўриқдан ўтказилди. Уларга кенг қўламли ёрдамлар кўрсатилмоқдаки, оғир ва жиноятчиликка мойил ҳамда уюшмаган ёшларнинг замон талаблари асосида ўқитилиши, малака кўникмаларини эгаллаши аини мудоаа бўлмоқда.

1 ноябрга қадар мазкур манзиллар кесимида юз мартадан ортқ “Ватанга содиқ ёшлар” ҳарбий-ватанпарварлик ўқув йиғинлари ташкил этилиб, тарбияси оғир ва жиноятчиликка мойил жами йигирма мингдан зиёд ёш қамраб олинди.

Ўқув йиғинлари давомида беш юздан ортқ тадбир ўтказилиб, улар турли йўналишлар кесимида ташкил этилди. Масалан,

мазкур тадбирларнинг 100 га яқини ҳарбий-техника ва қуrol-аслаҳалар кўргазмаси бўлса, 80 га яқини давлат арбоблари, ёзуви ва шоирлар, фахрийлар билан учрашувлардир. Чунончи, Хоразм вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожланиш ва маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосари Санъатбек Салаев, вилоят прокурори Мурод Аҳмедов, Ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи Пўлат Максетбоев, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўмондони Фарҳод Шерматов, Жиззах вилояти ҳоким ўринбосари Акмал Совербоев уюшмаган ёшлар билан учрашиб, муаммолари, қизиқишлари, орзу-истаклари билан яқиндан танишди. Самимий руҳда ўтган мулоқотлар ёшларга манзур бўлди.

Дунёдаги энг таъсирчан ва оммавий санъат тури театрдр. У одамларни эзгуликка чорлайди. Хусусан, ёшлар қалбига гўзал ҳис-туйғулар, олижаноблик хислатларини камол топтиришда, жамият ҳаётида тинчлик, дўстлик ва ҳамжихатлик, юксак ахлоқ ва адолат тамойилларини мустаҳкамлашда театрининг муҳим ўрни бор. Ҳудудларда намойиш этилган спектакллар ёшлар қалбига ана шундай эзгу ҳислар уйғонишига сабаб бўлса, не ажаб.

Спорт мусобақалари, ватанпарварлик руҳидаги кўнғилочар тадбирларда спорт усталари, шоир ва ёзувчилар иштирок этиди. Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Бобур Бобомурод ватан, садоқат руҳи билан йўғрилган шеърларини ўқиб берган бўлса, танқиди режиссёр Ҳилол Насимов “Ҳаёт” фильмини тақдим қилди.

Тинчлик ва осойишталик — икки бебаҳо неъмат

Ёшларнинг психофизиологик ҳолатига ҳам жиддий аҳамият қаратилмоқда. Мунтазам текширувдан ўтказилмоқда. Бундан ташқари, ёшларнинг касбий йўналгани ва имкониятларини рўбга чиқаришда дуч келаётган муаммолари ўрганилди. Ҳар бир йигин мобайнида асосий эътибор ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, моно ва ўқув марказларининг имкониятлари, яратилган имтиёзлар билан яқиндан таништиришга қаратилди. Натижада 3320 ёшга касбий йўналишлар бўйича маслаҳатлар берилди. Уй-жой субсидияси, деҳқончилик учун ер ажратилиши ҳамда хорижга чиқиб ишлашнинг ҳуқуқий асослари тушунтирилди.

Айни пайтда уюшмаган ёшлар билан 28 соатлик назарий ва амалий машгулотлар ҳамда семинар-тренинглар ташкил этилиб, улар онгига жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этилганда жазо муқарраллиги сингдирилмоқда. Бу каби машгулотларда ёшлар онгига тинчлик ва осойишталиكنинг бебаҳо неъмат экани ва шахсий дахлдорлик ҳисси шакллантирилди.

Шу йил июль ойида Урганчдаги ҳарбий қисмда 14-17 ёшдаги 120 ўғил-қиз билан 5 кунлик “Ватанпарвар ёшлар лагери”да профилактика ва маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикасида 17-30 ёшли 300, Хоразм вилоятида 220, Жиззах вилоятида эса 100 хотин-қиз

поғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида танқидий таҳлилга биноан кўриб чиқамиз.

Қорақалпоғистонда рўйхатга олинган, тарбияси оғир ва жиноятга мойил 5854 ёшнинг 198 нафари ўтган давр мобайнида ишга жойлаштирилди, 461 нафари касб-хунарга ўқитилди. 89 нафарига эса тадбиркорлик учун кредит ажратилди. 217 нафарига моддий ёрдам берилди. 21 ёш субсидия олишга муваффақ бўлди. Бундан ташқари, 2483 ёшнинг турли муаммолари бартараф этилишида кўмак берилди.

Бу ишлар Хоразм вилоятида ҳам давом этди. Вилоятда рўйхатга олинган, тарбияси оғир ва жиноятга мойил 9276 ёшнинг 289 нафари ишга жойлаштирилган, 271 нафарига тадбиркорлик учун кредит, 454 нафарига деҳқончилик учун ер ажратилган, 346 нафарига зарур асбоб-ускуналар олиб берилган, 175 нафари касб-хунарга ўқитилган, 14

386 нафар ёш психологик кўмак олган, 11 нафари профилактика ҳисобидан чиқарилган. Айтиш мумкинки, бу тадбирлар иштироки ёшлар ҳаётида ўзига хос ўзгариш қилди. Бу ўзгариш эса ҳадемай уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига, эзгу ишларга камарбаста бўлишига имкон яратди.

Пойтахтимизнинг икки туманидаги маҳаллаларда ёшлар оталиққа олинди

Президентимиз ёшларга қарата “Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида қадрлайман”, дея таъкидлайди. Бу сўзлар мамлакатимизда ёшларга



нафарининг сафарбарлик қақирув резерви бадали қопланган, 88 нафар давлатлиган, 327 нафари турли фан ва чет тилларга ўқитилган, 248 нафарининг контракт тўловлари тўланган, 206 нафарига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилган ҳамда 147 нафар ёш профилактик ҳисобдан чиқарилган.

онд сиёсатнинг асл ўзагини ташкил этади, десак янгиланмаймиз. Зеро, мамлакатимиз 19 миллиондан зиёд ёшни асосий бойлиги деб ҳисоблайди, уларга суянади. Бундан фахрланади. Шу боис, Ўзбекистон халқаро ҳамжамият томонидан ҳақли равишда ёшлар мамлаката сифатида эътироф этилмоқда.

Бағрикенглик ҳафталиги



Ўзбекистон — бағрикенг мамлакат. Унда турли миллат ва элат вакиллари асрлар давомида ахил-иноқ яшаб келган. Қийин кунларда бир-бирига ёрдам бериб, қувончли дамларда шодлигига шерик бўлган. Бағрикенглик халқимиз учун шунчаки умуминсоний хислат бўлибгина қолмай, давлат даражасида эътибор қаратиладиган қадрият ҳамдир.

БМТ Бош Ассамблеяси қарорига кўра, 1997 йилдан буён ҳар йили бутун дунёда 16 ноябрь Халқаро бағрикенглик куни сифатида нишонланади. Бу санани юртимизда ҳам нишонлаш яхши анъанага айланган. 2019 йил-

дан буён ушбу санага бағишлаб тадбирлар ташкил этилди.

Бутун Ўзбекистон жаҳон мамлакатлари учун бағрикенглик намунасини ўзида мужжасам этган давлат сифатида намоён бўлмоқда. Давла-

тимизнинг бу борадаги қўл асриқ тажрибаси, миллатимизга хос бағрикенглик Марказий Осиё ва бошқа ривожланган мамлакатлар учун андازа бўлиб хизмат қилади, десак муболаға эмас.

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ҳамда Дин ишлари бўйича қўмита қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда Халқаро бағрикенглик кунига бағишлаб мамлакатимизда “Бағрикенглик ҳафталиги”ни ўтказмоқда. Ҳафталик доирасида давра суҳбатлари, конференциялар, фотокўргазма ва бошқа маданий-маърифий, илмий-амалий тадбирлар ташкил этилиши белгиланган.

Ҳафталиكنинг илк тадбири Ўзбекистон фуқаролик бурчи, масъулиятини англаш, ватанпарварлик, шаън ва қадр-қиммат, шунингдек, бағрикенгликка асосланган миллатлараро муомала маданиятини мустаҳкамлаш орқали аҳоли, жумладан, болалар ва ёшларнинг жамият ривожидagi иштирокини фаоллаштириш, миллатлараро тотувлик ва конфессиялараро бағрикенглик ҳиссини янада кучайтиришга ҳисса қўйишдир.

Ҳафталиكنинг илк тадбири Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Медиа марказида мамлакатимизда миллатлараро тотувлик

ва диний бағрикенгликни таъминлаш, хорижий давлатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш борасидаги ишлар юзасидан “Ўзбекистон — бағрикенг дийр” мавзусида Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессияси билан бошланди.

Пресс-клуб сессиясида қатор ташкилотлар, миллий маданий марказлар раҳбарлари ва конфессия вакиллари иштирок этиди. Спикерлар мамлакатимиздаги миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик сиёсатига юқори баҳо бериб, “Бағрикенглик ҳафталиги” доирасида бўлиб ўтаётган тадбирлар халқларимиз орасидаги дўстлик ришталари, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Халқаро пресс-клуб сессиясидан сўнг “Янги Ўзбекистон” боғида турли миллат ва диний конфессия вакиллари иштирокида Мустақиллик монументига гулчамбар қўйиш тадбири бўлиб ўтди.

Ҳафталик дастурига кўра, юртимизнинг барча ҳудудига турли тадбирлар ўтказилиши белгиланган. Давлат умумтаълим мактабларида “Миллий анъана ва удумлар” кўргазмалари, “Бағрикенглик — менинг

Ежи МАЦУЛЕВИЧ, Ўзбекистондаги Рим-католик черкови епископи:

— Илгари Халқаро бағрикенглик куни фақат бир кун нишонланган бўлса, ҳозир бутун ҳафталик доирасида байрам қилинмоқда. Бу ҳам Ўзбекистоннинг қанчалик бағрикенг мамлакат эканини ифода этади.

Гулдана АВЕЗДУРДИЕВА, Республика Туркман давлати маркази раиси:

— Бағрикенглик Ўзбекистондаги турли миллатлар ҳамжихатлиги, бирдамлиги ифодасидир. Тарихга назар солсак, ўзбек халқининг бағрикенглиги ўзига хос қадриятга айланиб улгурган. Албатта, бу қадриятнинг муносиб давом эттирилиши, келажак авлодга ўз ҳолича етказилиши бутуннинг талаби. Ҳафталиكنинг юқори савияда ўтказилаётгани, ҳеч шубҳасиз, миллатларимиз орасидаги

наздимда” мавзусида иншоолар танлови, “Менинг бағрикенг дунём” мавзусида расмлар танлови ҳамда бағрикенгликни тарғиб қилувчи шешрохонлик кечалари ўтказилди.

Давлат олий таълим муассасаларида “Биз — бир мамлакатда яшаётган ягона халқимиз”, “Диний маърифат ва миллатлараро бағрикенглик — жамият барқарорлиги шарт”, “Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик — умрбоқий қадриятлар” мавзуларида давра суҳбатлари, “Ўзбекистон — умумий уйимиз” мавзусида илмий-амалий ва маърифий тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар)лардаги

Қолаверса, бутун миллат, элат ҳамда турли дин вакиллари ахил ва тотув яшаётганини кўрсатади. Мазкур байрам билан бутун Ўзбекистон аҳлини муборакбод этаман.

тотувлики янада ривожлантиради, меҳроқибатни янада мустаҳкамлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Республика туркман маданият маркази ҳамда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган туркман миллати вакиллари номидан барча ватандошларни байрам билан самимий муборакбод этаман. Дўстлигимиз, ҳамжихатлигимиз ҳаммаша барҳаёт бўлсин!

хилбон ва сайилгоҳларда “Ўзбекистон — бағрикенг дийр” шiori остида маданий тадбирлар, қардош халқлар ёзуви, шоир ва рассомларининг бадий асарлари кўргазмалари бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда нодавлат телеканаллар орқали ўзбек халқининг бағрикенглиги, меҳмондўст ва тинчликсеварлиги ҳамда буюк аждодлар меросига бағишланган бадий ва ҳужжатли фильмлар намойиши кўзда тутилган.

Жонибек АЛИЖОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

“ЎЗБЕК МЎЪЖИЗАСИ”

ҲАҚИДАГИ КИТОБ

Ўткир ОЧИЛОВ,
юридик фанлар доктори, доцент

Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлидаги ислохот, ўзгаришлар жараёнини халқимизга етказиб, давлат сиёсатининг маъно-мазмунини очиб бериш оммавий ахборот воситаларининг устувор вазифасидир. Айни пайтда мамлакат манфаатларини ҳимоя қила оладиган жамият яратиш учун халқаро вазият тўғрисида ҳам таҳлилий мақолалар эълон қилиб бориш керак. Шу орқали омманинг сиёсий тафаккури ўсишига эришилади. Юрт тақдирига бефарқ бўлмаган қатлам шаклланади.

“Янги Ўзбекистон” газетаси ана шу жараённинг олдинги сафида бораётган наشرлардан биридир. Мазкур газетанинг ўзига хос жиҳати шундаки, ҳар бир соҳа бўйича юқори нуфузли, малакали экспертларнинг мақола, интервью, муносабатлари эълон қилиб борилади. Шу орқали ишончли ва чуқур таҳлилий асосга эга ахборот етказишда самарадорликка эришиляпти.

Газетанинг доимий муаллифлари орасида ҳам назарий, ҳам амалий бой тажрибага эга таниқли олимлар, миллий ва халқаро даражадаги нуфузли экспертлар, давлат ва жамоат арбоблари, адабиёт ва санъат вакиллари бор. Академик Акмал Саидов газетанинг энг фаол муаллифларидан бири. Олим 200 дан ортиқ монография, 100 га яқин дарслик, 600 дан ортиқ илмий мақола, 140 дан ортиқ тақриз, 1100 дан ортиқ публицистик мақола муаллифи ҳисобланади. Китоблари кўплаб хорижий тилларга таржима қилиниб, АКШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Австрия, Хитой, Япония, Россия, Украина, Польша, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Қатар, Ўмон ва бошқа мамлакатларда нашр этилган.

Акмал Саидовнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси кутубхонаси” туркумида чоп қилинган “Янги Ўзбекистоннинг сиёсий-ҳуқуқий фалсафаси” китобида мазкур газетада эълон қилинган эликдан зиёд сиёсий-ҳуқуқий публицистик мақоласи жамланган. Муаллиф янги Ўзбекистон миллий, сиёсий ва ҳуқуқий тизимидаги ислохотлар мазмун-моҳиятини маҳорат билан газетхонларга шарҳлаб беради. Мақолаларнинг қиймати шундаки, муаллиф мамлакатимиз тақдири ва истиқболи учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муҳим ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий ислохотлар жараёнини унинг ташкилотчиларидан бири, гувоҳи ва иштирокчиси сифатида таҳлил қилган.

Китоб саккиз қисмдан иборат. Биринчи қисмга “Янги Ўзбекистон меъмори ва ташаббуслари” деб ном берилган. Ундан жой олган мақолаларда янги Ўзбекистон сиёсий пойдеворининг қурилиши ва мустақамланиши тўғрисида мушоҳада юритилган. Президентимиз раҳбарлигида улкан ислохотлар ва туб демократик ўзгаришлар амалга ошириляётгани, “халқимизнинг улугвор қудратига таяниб, Ўзбекистонда янги Ўйғониш — Учинчи Ренессанс даври пойдевори” яратилаётгани кўплаб мисоллар билан кўрсатиб берилган.

Китобда таъкидланганидек, Ўзбекистон сўнгги йилларда халқаро ҳамжамиятга ўз эшикларини кенг очди. “Ўтган тарихан қисқа даврда юртимизнинг жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошди. Ўзбекистон бутун ўзининг узокни кўзлаган сиёсати билан минтақамиз ва жаҳондаги сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланди”. Ўзбекистон Президентининг нуфузли халқаро ташкилотлар олий минбаридан

туриб илгари сурган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланган миллий, минтақавий ва халқаро ташаббуслари изчиллик билан рўёбга чиқмоқда. Муаллиф “Янги Ўзбекистон раҳбари ўз йўлидан мустақил бориш ҳуқуқини изчил ҳимоя қилаётган замонимизнинг санокли сиёсатчиларидан биридир”, деган хулосага келган.

А.Саидов давлат раҳбарининг кейинги йилларда қўлга киритган натижаларини санаш билан қийоаланмай, мамлакатимиз ҳаётида ҳал этилиши керак бўлган муаммолар мавжудлигига ҳам катта эътибор қаратаётганига ургу беради. Албатта, Ўзбекистон охириги йилларда сезиларли янгиланишларга эришди. Муҳими, Президент давлат идораларини халқимизга очди: “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган муҳим конституциявий тамойилни ҳаётимизга изчил, тиҳимли ва қатъият билан жорий этишга устувор аҳамият берилмоқда”.

Муаллиф шу ўринда давлатимиз раҳбарининг оруздаги янги Ўзбекистонни бунёд этиш ҳали жуда олис ва машаққатли йўлни босиб ўтишни талаб қилишини, лекин “биз дадил олдинга боришдан, керак бўлса, қутилмаган, аммо пировард натижаси самарали ва халқимиз манфаатларига жавоб берадиган ноанъанавий қарорлар қабул қилишдан чўчимаслигимиз зарур”лиги тўғрисидаги қақриқларини келтиради.

АКМАЛ САИДОВНИНГ
“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН”
ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИ”
ТУРКУМИДА ЧОП ҚИЛИНГАН
“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИЁСИЙ-
ҲУҚУҚИЙ ФАЛСАФАСИ” КИТОВИДА
МАЗКУР ГАЗЕТАДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН
ЭЛИКДАН ЗИЁД СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ
ПУБЛИЦИСТИК МАҚОЛАСИ
ЖАМЛАНГАН. МУАЛЛИФ ЯНГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ, СИЁСИЙ ВА
ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАР
МАЗМУН-МОҲИАТИНИ МАҲОРАТ
БИЛАН ГАЗЕТХОНЛАРГА
ШАРҲЛАБ БЕРАДИ.

Китобнинг иккинчи қисми “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” деб номланиб, унда мамлакатимизни янгилаш стратегиясига эксперт сифатида сиёсий-ҳуқуқий баҳо берилади.

Стратегия — юнонча сўздан олинган бўлиб, “саркарданинг санъати” маъносини англатади. Қадимги даврлардан стратегия мамлакатни ривожлантириш ва мудоффа қилиш мақсадида давлатнинг узок муддатли чоралар режасини ташкил қилган. Стратегия энг муҳим мақсадлар ва йўналишлардир.

Қадимги Хитой файласуфи Конфуций: “Агар мақсадга эришиш имконияти йўқдай кўринса, мақсадни ўзгартирманглар, балки мақсадга эришиш бўйича ўзингизнинг ҳаракат дастурларингизни ўзгартиринглар” деб ёзган эди. Стратегиянинг вазифаси асосий мақсадга эришиш учун мавжуд имконият ва ресурслардан самарали фойдаланишдир.

Ҳозирги кунда муайян давлат стратегияси — бу муайян мақсадга эришиш учун мамлакатнинг узок вақтга мўлжалланган асосий ривожланиш йўналишларини белгилаб берадиган амалий ҳаракатлар дастурдир. Глобал ўзгаришлар шиддатли тус олган замонда мамлакатнинг узок муддатли ривожланиш стратегияси белгилаб, барча ресурслар уни бажариш учун сафарбар этилиши, ислохотлар изчил амалга оширилиши жуда муҳим.

Муаллиф “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги 7 устувор йўналишнинг бош ғояси инсон қадрини таъминлаш” эканини эътироф этган. Шу муносабат билан миллий қонуқчилик ва ҳуқуқий амалиётда “давлат — жамият — инсон” тамойили “инсон — жамият — давлат” тамойилига ўзгатирилганини алоҳида таъкидлаган: “Тараққиёт стратегиясида асосий эътибор, — деб ёзади муаллиф, — бир

бераётган бир пайтда табиий равишда Конституцияга жиддий ўзгаришлар киритиш тақозо этилади. Зеро, ҳар қандай демократик ислохотлар чин маънода халқчил конституциявий асосга эга бўлсагина, янада бардавом бўлади, кўзланган эзгу мақсадларга эришадир”, деб ёзади.

Академик Акмал Саидов томонидан Ўзбекистонда тақдим қилинган конституциявий ислохотлар таҳлили икки жиҳати билан қимматли ҳисобланади:

биринчидан, унинг қиёсий ҳуқуқшунослик соҳасида назарий ва амалий тажрибага эга халқаро даражадаги таниқли мутахассис олим сифатидаги эксперт хулосалари юқори нуфузга эга; иккинчидан, олимнинг Ўзбекистон Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тақлифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича конституциявий қосмиссия раиси, конституциявий ислохотларнинг бевосита ташкилотчиларидан бири сифатидаги қарашлари алоҳида аҳамият касб этади.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган кенг қўламли вазифалар, халқпарвар давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини янада самарали таъминлаш каби мақсадлар мамлакатимиздаги туб ислохотларга мос янги конституциявий ҳуқуқий маконни яратиш заруратини юзага келтирмоқда деб ёзади олим.



томондан, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир қонунлар, кодекслар, концепция ва дастурлар қабул қилинишига қаратилган. Иккинчи томондан, унда қонун устуворлигини таъминлаш, конституциявий ислохотни ҳаётга изчил татбиқ этиш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, қучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, маънавиятни ривожлантириш, шунингдек, глобал муаммоларга Ўзбекистоннинг муносабати, хавфсизлик ва ташқи сиёсат борасидаги муҳим вазифалар қамраб олинган”.

Китобнинг учинчи қисми “Янги Ўзбекистон: конституциявий ислохотлар”, деб номланган. Унда мамлакатнинг стратегик ривожланишида конституциявий қурилишнинг аҳамияти, унинг амалга оширилиш жараёни ва натижалари таҳлил қилинган. Муаллиф “давлат ва жамиятда туб ўзгаришлар рўй

Китобнинг “Янги Ўзбекистон — инсон қадр-қиммати ва инсон ҳуқуқлари улугланган юрт” деб номланган тўртинчи қисмида барча ислохотларнинг пировард мақсади инсон қадри ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш эканига эътибор қаратилган. Болалар, аёллар, ёшлар, қариялар, ногиронлиги бўлган шахслар, муҳожирлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахсларнинг “ҳеч кимни эътибордан четда қолдиришмаслик” тамойили асосида давлат ҳимояси қучайтириляётгани янги Ўзбекистон моҳиятининг энг муҳим жиҳати экани тизимли тақдим этилган далиллар асосида кўрсатиб берилган.

Китобда янги Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги амалий ҳаракат ва ташаббуслари нафақат мамлакат ва минтақа, балки халқаро миқёсдаги сиёсатнинг марказида тургани таъкидланган. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан БМТ резолюциялари қабул қилингани, БМТнинг Ёшлар

ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси лойиҳаси ишлаб чиқилгани, Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани ва бошқа қатор халқаро аҳамиятга молик тадбирлар шулар жумласидандир.

Китобнинг бешинчи қисми “Янги Ўзбекистон парламентининг фаолияти” деб номланган. Унда муаллиф Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикерининг биринчи ўринбосари ҳамда халқаро даражадаги парламентшунос олим ва амалиётчи сифатида мамлакат қонун чиқарувчи органи фаолиятининг айрим жиҳатларини муҳокама қилган. Жумладан, БМТнинг Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини қучайтириш тўғрисидаги резолюциясининг мазмунини, мазкур резолюцияга мувофиқ миллий парламентларнинг устувор вазифалари, Ўзбекистонда Барқарор ривожланишга эришишда парламент ва фуқаролик жамияти институтлари аҳамиятининг ошиб бораётгани таҳлил қилган. Шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар доирасида амалга ошириляётган ишларнинг моҳияти очиб берилган.

Муаллиф Парламентлараро иттифоқ ва Ўзбекистон ўртасидаги манфаатли муносабатлар мазмунига, Ўзбекистон ҳамда Европа ўртасидаги парламентлараро ҳамкорликнинг жадал ривожланиши ва истиқболларига, мамлакатимиз парламентининг хорижий мамлакатлар парламентлари билан ҳамкорлиги тенденцияларига эксперт сифатида баҳо берган.

Китобнинг “Маънавият ва маърифат — тафаккурнинг қўш қаноти” деб номланган олтинчи қисмида Ўзбекистон мустақиллиги байрамига бағишлаб чоп этилган “Янги Ўзбекистон” китоб-альбоми, академик Оқил Салимовнинг “Янги Ўзбекистон давлати” китоби, Иккинчи Шарқ Ренессансини бошлаб берган буюк давлат арбоби ва ислохотчи Амир Темур таваллудининг 685 йиллигини кенг нишонлаш доирасида нашр этилган китоблар, “Инсоният тафаккури жаҳоқирлари” деб номланган, дунё цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилган буюк кашфиётларнинг туркум жамланмаси, машҳур файласуфлар ғоя ва қарашларини ўз ичига олган “Жаҳон фалсафаси қомуси” каби асарларга илмий-амалий тақриз-тақдимотлар ўз ифодасини топан.

“Янги Ўзбекистон — бу ибора Миллат Сардори илгари сурган ва бугунги кунда

КИТОБ САККИЗ
ҚИСМДАН ИБОРАТ.
БИРИНЧИ ҚИСМГА
“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МЕЪМОРИ
ВА ТАШАББУСЛАРИ”
ДЕБ НОМ БЕРИЛГАН. УНДАН
ЖОЙ ОЛГАН МАҚОЛАЛАРДА
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ
ПОЙДЕВОРИНИНГ ҚУРИЛИШИ
ВА МУСТАҲҚАМЛАНИШИ
ТЎҒРИСИДА МУШОҲАДА
ЮРИТИЛГАН.

бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган эзгу ғоядир. Бу ғоя замирида: бир томондан, бугунги ва эртанги аждодларимизнинг Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйишдек эзгу мақсад-муддоалари; иккинчи томондан, миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи Ўйғониш давлари-га асос солган улуг аждодларимиз, аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари; учинчи томондан, бунёдкорлик, яратувчанлик, ҳар доим ўқиш ва изланишга давлат ўз мужассамини топан”, деб ёзади муаллиф.

Китобнинг “Инсон хотираси — муқаддас” деб номланган еттинчи қисмида Иккинчи жаҳон урушида матонат кўрсатган юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, уларга ҳурмат, эҳтиром ва эъзоз кўрсатиш олий даражадаги миллий қадриятга ва давлат сиёсати айлангани муаллиф томонидан моҳирона кўрсатиб берилган.

Муаллиф Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент шаҳрида барпо этилган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси, ундаги “Матонат мадҳияси” ёдгорлиги ва Шон-шарф музейининг аҳамиятига эътибор қаратган, уларни ўзбекона фалсафа, халқона сиёсатининг амалдаги ёрқин натижаси деб атаган. Янги Ўзбекистоннинг шиддатли ислохотларига хос муҳим хусусияти дея юксак баҳо берган. “Хорижий давлатлардаги мемориал мажмуаларни ҳам кўрганман, лекин уларнинг бирортасида халқнинг жанг-ғоҳлардаги “жасорати ва фронт орттидаги матонати Тошкентда яхлит мажмуа тарзида бунёд этилган Ғалаба боғидаги сингари кенг қўлама, ҳаққоний ва адолатли равишда кўрсатиб берилмаган” деб ёзади муаллиф.

Китобнинг “Янги Ўзбекистон: тинчлик-севар, фаол ва ташаббускор ташқи сиёсат” деб номланган саккизинчи қисмида жаҳонда юз бераётган глобал ўзгаришлар шароитида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг айрим муҳим йўналишларига эътибор қаратилган. Бунда янги Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё давлатларини бирлаштира оладиган минтақавий етакчи мақомига, балки қўшни мамлакатлар учун ҳам уларнинг манфаатларини илгари суруви ишончли етакчи бўлишга қодир давлатга айланаётгани эътироф этилган.

Китоб уни мутлола қилган ўқувчида Ўзбекистон тараққиётининг сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичи — янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнини, унинг ичида, фаол ташкилотчиларидан бирининг қўзи билан қарашга имкон беради. Китоб жамият тараққиётининг турли жаҳаларига доир ҳар хил мавзуларга бағишланган мақолалардан иборат бўлса-да, улар ягона мантиқнинг — янги Ўзбекистон мантигининг турли қирраларини ифодалаган. Бу мантиқда жамият тараққиётининг янги босқичида амалга ошириляётган ислохотлар келажақда “Ўзбек мўъжизаси” номини олиши мумкин бўлган барча соҳаларда улкан сакрашнинг пойдевори қурилиши намоён бўлади. Муаллиф бу пойдевор ғоясини Учинчи Ўйғониш даври янги Ўзбекистоннинг сиёсий-ҳуқуқий фалсафаси сифатида тақдим этган.

Албатта, мазкур китобнинг барча жиҳатларини битта мақола доирасида ёритиш мушкул. Лекин таъкидлаш жоизки, китоб ҳозирги кунда юртимиздаги ўзгаришларнинг, давлат ичида ва бошқа давлатлар билан муносабатларда юз бераётган жараёнларнинг аҳамиятини тушунишга ёрдам беради. Китобда фалсафа, ҳуқуқ, сиёсат, тарих, социология соҳасидаги назарий ва амалий билимлар жамланган. Муаллифнинг юксак ҳаётий, илмий ва амалий тажрибаси муҳокама қилинган ҳар бир мавзунинг асл маъносини англашни таъминлайди.

Ушбу китоб янги Ўзбекистон ғояси моҳиятини англаш билан боғлиқ қўпгина муаммоларни қамраб олган ва бу борада энг муҳим фундаментал билимларни ўзлаштиришга хизмат қилади. Мазкур китобни кенг жамоатчилик, академик доиралар, халқаро ва миллий эксперт ҳамжамияти вакиллари, давлат идоралари ходимлари, фуқаролик жамияти институти вакиллари, талабалар, педагоглар, умуман, янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнига қизқадиغان ҳар бир киши учун фойдали маълумотларга бой қўламага деб бемалол айтиш мумкин.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлғезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 3968

41157 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“Колограк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (70) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов
Мусахҳих: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 04:15 Топширилди — 05:00